



## ИШНИ СУДГА ҚАДАР ЮРИТИШДА ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ТАРТИБИ

Турдиев Лазиз Зарифович

ИИВ Академияси Жиноят-процессуал ҳуқуқ  
кафедраси дотценти  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.20509819>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 26-may 2026 yil  
Ma'qullandi: 28-may 2026 yil  
Nashr qilindi: 30-may 2026 yil

### KEYWORDS

Бу маълумотлар гувоҳнинг,  
жабрланувчининг, гумон  
қилинувчининг,  
айбланувчининг,  
судланувчининг  
қўрсатувлари, экспертнинг  
хулосаси, ашёвий, ёзма ва  
рақамли далиллар, овозли  
ёзувлар, видеоёзувлар,  
кинотасвир ва  
фотосуратлардан иборат  
материаллар, тергов ва суд  
ҳаракатларининг  
баённомалари ва бошқа  
ҳужжатлар билан  
аниқланади.

### ABSTRACT

*Ишни судга қадар юритиш босқичида далилларни тўплаш жиноят процессининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Айнан шу босқичда суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳақиқатини аниқлаш учун зарур бўлган барча фактик маълумотларни тўплаш фаолиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК) далилларни тўплашнинг процессуал . Шунга қарамай, амалий фаолиятда бир қатор процессуал муаммолар ҳали ҳам давом этмоқда. Ушбу мақолада ишни судга қадар иш юритиш босқичида далилларни тўплашнинг процессуал тартиби ва уни такомиллаштириш борасида фикр ва мулоҳазар баён этилган.*

Ишни судга қадар юритиш босқичида далилларни тўплаш жиноят процессининг асосий элементларидан бири ҳисобланади. Айнан шу босқичда суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳақиқатини аниқлаш учун зарур бўлган барча фактик маълумотларни тўплаш фаолиятини амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (кейинги ўринларда ЖПК) далилларни тўплашнинг процессуал . Шунга қарамай, амалий фаолиятда бир қатор процессуал муаммолар ҳали ҳам давом этмоқда. Ушбу мақолада ишни судга қадар иш юритиш босқичида далилларни тўплашнинг процессуал тартиби ва уни такомиллаштириш борасида фикр ва мулоҳазар баён этилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 81–95<sup>1</sup>-моддалари далилларнинг таърифи, манбалари ва тўплаш усулларини белгилаб беради.

Қонунга кўра, далиллар деб ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Бу маълумотлар гувоҳнинг, жабрланувчининг, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий, ёзма ва рақамли далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

Агар тезкор-қидирув тадбирларининг натижалари фақат қонун талабларига мувофиқ олинган бўлса, ушбу Кодекс нормаларига мувофиқ текширилган ва баҳоланганидан кейин ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ёки тезкор-қидирув тадбирида иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳаракатларига боғлиқ бўлмаган ҳолда шахсда жиноят содир этиш учун шаклланган қасд мавжуд бўлганлигидан далолат берса, ушбу натижалар далил сифатида тан олиниши мумкин. (ЖПК, 81-модда).

Далилларни тўплашнинг асосий усуллари: Далиллар тергов ва суд ҳаракатларини юритиш: гумон қилинувчини, айбланувчини, судланувчини, гувоҳни, жабрланувчини, экспертни сўроқ қилиш; юзлаштириш; таниб олиш учун кўрсатиш; кўрсатувни ҳодиса рўй берган жойда текшириш; олиб қўйиш; тинтув; кўздан кечириш; гувоҳлантириш; мурдани эксгумация қилиш; эксперимент ўтказиш; экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун намуналар олиш; экспертиза ва тафтиш тайинлаш; тақдим этилган ашёларни, ҳужжатларни ва электрон маълумотларни қабул қилиш; телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш йўли билан тўпланади.

Ушбу ҳаракатларни амалга оширишда қатъий процессуал тартиб белгилаган. Суриштирувчи, терговчи томонидан тергов ҳаракатини ўтказиш, тергов ҳаракати иштирокчиларига ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, тергов ҳаракати натижаларини баённомага қайд қилиш, тергов ҳаракати натижаларини тергов ҳаракати иштирокчиларига таништириш, тергов ҳаракатлари иштирокчиларига тергов ҳаракати натижалари юзасидан шикоят қилиш ҳуқуқини тушунтириш каби қоидаларга риоя қилиш. Ишни судга қадар юритишда далалларни тўплашда суриштирувчи ва терговчининг ваколатлари муҳим аҳамиятга эга. ЖПКнинг 36-моддаси ва 38<sup>1</sup>-моддаларида суриштирувчи ва терговчининг ваколатлари акс эттирилган бўлиб, унга кўра суриштирувчи, терговчи тергов ҳаракатларини ўтказиш, бошқа терговчи ва суриштирувчиларга айрим тергов ҳаракатларини юритиш тўғрисида топшириқ бериш, мурдани эксгумация қилиш тўғрисида, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаш ҳақида илтимосномалар бериш, тинтув ўтказиш тўғрисида, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тергов ҳаракатларини ўтказиш учун илтимосномалар беришга, тергов ҳаракатларини юритишга оид барча қарорларни чиқариш билан боғлиқ ваколатлари тартибга солинган.

Аҳамиятли жиҳати шундан иборатки, ишни судга қадар юритишда далилларни тўплашда суриштирувчи, терговчи ўзи қўзғатган жиноят иши юзасидан тергов ҳаракатларини жиноят ишини ўз юритувига олиш тўғрисида қарор чиқаргандан бошлаб шу жиноят ишини тергов қилишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ваколатига эга бўлади.

Ишни судга қадар юритишнинг мустақил шаклларида бири бўлган терговга қадар текширув жараёнида ҳам далиллар тўпланади. ЖПКнинг 329-моддасида далил тўплаш усуллари тартибга солинган. Унга кўра терговга қадар текширув жараёнида терговга қадар текширувда иштирок этадиган шахслардан тушунтиришлар талаб қилиб олиш, қўшимча ҳужжатлар талаб қилиб олиш, ЖПК 162-моддасининг [иккинчи қисмига](#) мувофиқ шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, экспертиза ўтказиш, тафтиш тайинлаш, шунингдек тезкор-қидирув тадбирларни ўтказиш орқали амалга оширилиши тартибга солинган. ЖПКнинг 329-моддасидаги далилларни тўплаш усулларида фақат тергов ҳаракатларини ўтказишнинг процессуал тартиби белгиланган холос, бошқа усуллари ўтказишнинг процессуал тартибга солинмаганлигини олинган фактик маълумотларни мақбуллиги масаласи ҳалигача процессуал жиҳатдан тартибга солинмаган. Бу эса исбот қилиш жараёнида тўпланган далилларларни шубҳа остида қолишига асос бўлади.

ЖПКнинг 87-моддасида далил тўплаш ҳуқуқи берилган иштирокчилардан бир бу ҳимоячи бўлиб, ҳимоячи томонидан далиллар тўплаш тартиби ҳалига турли муҳокамаларга сабаб бўлиб келмоқда. Ҳимоячи жиноят иши бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этишга ҳақли бўлиб, улар жиноят иши материалларига қўшиб қўйилиши, шунингдек терговга қадар текширув, суриштирув, дастлабки тергов ўтказиш ва жиноят ишини судда кўриш жараёнида мажбурий баҳоланиши лозим. Ушбу далиллар: ишга тааллуқли ахборотга эга бўлган шахсларни сўровдан ўтказиш ҳамда уларнинг розилиги билан ёзма тушунтиришлар олиш; давлат органларига ва бошқа органларга, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга сўров юбориш ҳамда улардан маълумотномалар, тавсифномалар, тушунтиришлар ва бошқа ҳужжатларни олиш орқали тўпланиши мумкинлиги белгилаб қўйилган бўлсада, ЖПКда белгилаб қўйилган далиллар мақбуллиги талабларига тўғри келмаслиги улар томонидан тўпланган далилларни аҳамиятини йўққа чиқишига сабаб бўлмоқда.

Хулоса қилиб айтганда ЖПКда далилларни тўплаш тартибни ягона тизимга келтириш, тўпланган далиллар шубҳа остига қолиб кетишига ва шахсларни айблилик масаласи ҳал қилинаётганда ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилмаслиги шарт.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // <http://www.lex.uz>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // <http://www.lex.uz>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси
4. // <http://lex.uz>.
5. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура тўғрисида»ги 1996 йил 27 декабрдаги қонуни // <http://www.lex.uz>.
6. Ўзбекистон Республикасининг «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги 2012 йил 25 декабрдаги қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. — 2012 й. — 52-сон. — 585-м.

7. Ўзбекистон Республикасининг «Давлат сирларини сақлаш тўғрисида»ги 1993 йил 7 майдаги қонуни // <http://lex.uz>.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Судлар тўғрисида»ги 2000 йил 14 декабрдаги қонуни//<http://www.lex.uz>.
9. Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги 2001 йил 29 августдаги қонуни//Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2001. – № 9–10. – 168-м.
10. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2014 йил 4 сентябрдаги қонуни // ЎР ҚХТ. – 2014. – №36. – 452-м.

